

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Й.Солижонов	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
С.Мамаюсупова	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари	91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси	95
Ф.Абдурахмонов	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
Д.Газиева	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
Н.Аббосова	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
М.Ҳакимова	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
Ҳ.Солихўжаева	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
Ш.Матназаров	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
Н.Умарова, Н.Абдувалиева	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар	122
Ф.Қосимова	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари	130
Ш.Алимов, М.Нурматова	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
Д.Ҳайдарова	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
З.Бобоева, И.Пўлатов	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари	140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси	143
А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
Р.Маджидова	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
М.Мадаминова	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
М.Юсупова	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
Х.Рахматиллаев, С.Сохибов	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК:323.570.1

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ИЖОДИДА МАҚОЛ ВА МАТАЛ МУНОСАБАТЛАРИ

ВЗАИМОСВЯЗЬ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК В ТВОРЧЕСТВЕ ШУКУРА ХОЛМИРЗАЕВА

PROVERBS AND SAYINGS INTERRELATIONS IN SHUKUR KHOLMIRZAEV'S WORKS

С.Мамаюсупова

Аннотация

Мақолада фольклоризм ҳамда маънавий тараққиёт тарихига доир манбаларни ўзида ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналарининг Шукур Холмирзаев ҳикояларидаги бадиий ўрни, вазифалари тадқиқ этилган, ёзувчининг миллий қадриятларни ёритишдаги ўзига хос бадиий маҳорати очиб берилган.

Аннотация

В статье исследованы художественная роль и задачи фольклоризма и образцов устного народного творчества, являющихся источниками истории духовного развития народа, на примере рассказов Шукура Холмирзаева, раскрыто своеобразное художественное мастерство писателя в освещении национальных ценностей.

Аннотация

The investigation of literary tasks and places in Sh.Kholmirzayev's novels which conveyed folkloristic models about the history of folkloristics and spiritual development as well as the expression of specific skill demonstrates writer's opinion about national value as one of the important problems in this article.

Таянч сўз ва иборалар: фольклор, анъана, эҳтиёж, имконият, тафаккур, матал, ўхшатиш, таққосламоқ, киноя, аждод.

Ключевые слова и выражения: фольклор, традиция, потребность, возможность, мышление, поговорка, аналогия, сопоставление, намек, прародитель.

Keywords and expressions: folklore, tradition, need, possibility, thinking, saying, analogy, contrast, hint, ancestor.

Киши ўз аждодлари томонидан яратилган миллий меросга, боболаридан ёдгорлик бўлиб қолган асрий анъаналарга муҳаббат руҳида тарбияланган бўлса, унинг миллий қадриятлардан таъсирланиши ва илҳомланиши табиий бир ҳол ҳисобланади. Иждокор аҳли кузатувчанликка мойил. У инсон қиёфасини бадиий чизгиларда акс эттирар экан, албатта қаҳрамоннинг қалб дунёсини, кундалик турмушда амал қиладиган урф-одат ва ишончларини ҳам қаламга олади. Адабиётнинг вазифаси мукамал шахс образини яратиш экан, демак, унинг эътиқоди ва туйғулари, яшаш тарзи, ўзига хос руҳий олами, аждодларининг удум ва анъаналарига муносабати ҳақида ҳам атрофлича маълумот беради. Бундай маълумотлар одатда ёзма адабиётда фольклор анъаналарининг ранг-баранг кўринишлари тарзида намоён бўлади.

Фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири ҳам бадиий тафаккур тарихининг жуда қадимий анъаналаридан биридир. Ҳар бир давр адабиёти фольклорга ўз эстетик

эҳтиёжлари, поэтик имкониятлари ва талаблари даражасида муносабатда бўлиб келган. Шунинг учун ҳам фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг бадиий-эстетик қонуниятларини очиб берган, адибларнинг халқ ижодидан фойдаланишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини ёритиш адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари сирасига киради. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кун адабиётидаги фольклоризмларнинг поэтик вазифаларини замонавий адабиётшуносликнинг назарий мезонлари асосида таҳлил қилиш ҳам ҳозирги адабий жараён тараққиётига доир муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

Фольклоризм ҳамда маънавий тараққиёт тарихига доир манбаларни ўзида ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналарининг Шукур Холмирзаев ҳикояларидаги бадиий ўрни ва вазифаларини тадқиқ этиш ҳамда ёзувчининг миллий қадриятларни беришдаги ўзига хос бадиий маҳоратини ёритиб бериш ҳам ана шу долзарб масалалардан ҳисобланади. Шукур Холмирзаев ижоди

С.Мамаюсупова – ЖДПИ катта ўқитувчиси.

фольклор ёзма адабиёт муносабати йўналишида ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаганлиги долзарблиги билан ажралиб туради.

Паремик жанрлар сирасида мақол ва матал ўзларининг тузилишлари, воқеликни истиоравий акс эттириш тарзи билан бирига яқин турсалар ҳам, бироқ улар ўзларининг семантик жиҳатлари билан ўзаро кескин фарқланади.

Мақол ва матал ўртасидаги муносабат икки томонлама характерга эга. Матал – муайян ҳаётий ҳодисани аниқ ва тўғри белгилаб берадиган образли ифода, ибора. Маталда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочириқ сўз каби бадиий воситалардан фойдаланилади.

Мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан кўчма маъноси ўртасида яқинлик, мантиқий боғланиш бўлиши лозим. Матал бир ёки бир неча жумладан тузилади, улар орасида қофияланиш сақланмайди. Мақол – халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли, ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гап. Муайян ритмик шаклга эга. Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари муҳасамлашган.

Маталлар асарлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Мақоллар мавзу жиҳатидан ниҳоятда бой ва хилма-хил. Мақол учун мазмун ва шаклнинг диалектик бирлиги, кўп ҳолларда қофиядошлик, баъзан кўп маънолилиқ, мажозий маъноларга бойлик каби хусусиятлар характерли. Мақолда антитеза ҳодисаси кўп учрайди, маталда эса нарса тасвири, унинг характеристикаси берилади. Мақол ва матал жанрига хос хусусиятлар ҳар бир ижодкорнинг асарларида жуда усталик билан, моҳирона фойдаланилган. Асарнинг жозибadorлигини оширишга, ёзувчининг маҳоратини кўрсатишда муҳимлиги билан ажралади. Бугунги кун насрида фольклор анъаналаридан таъсирланиб ижод қилиш ва ундан ижодий фойдаланишга бўлган бадиий эҳтиёж маълум даражада кучайди. Тўғри, баъзан ёзувчиларимиз халқ оғзаки ижодиётининг хазинасига фольклор ижрочилигининг эстетик мезонларидан деярли фарқ қилмайдиган ҳолатда ёндашадилар. Лекин

бу ёндашув натижасида юзага келган бадиий ҳосилалар фольклоризмлар асар композициясига ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, Шукур Холмирзаев ҳикояларида халқ оғзаки ижоди анъаналарига бўлган муурожаатининг ўзига хос бадиий ифодасини кўрамиз. Бу эса ёзувчининг ижодидаги услубий хилма-хилликни кўрсатади. Шунинг эътибордан соқит қилмаслик керакки, ҳар бир ёзувчи халқ мақол ва маталларидаги мазмун ва моҳиятни теран англаб, ўз бадиий ниятига мос равишда ижодий қайта ривожлантира олмаса, яъни фольклоризмни тасвирланаётган ҳаётий воқелик тўқимасига сингдириб, асар тасвирида қаҳрамон характери ёки руҳиятини бойитмаса, у ҳолда бадиий асарлардаги фольклоризмлар халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўчирмасига ўхшаб қолади.

Шукур Холмирзаев фольклор анъаналарига ўзига хос ижодий ёндашган ҳолда турли-туман қаҳрамонлар характерини ва тақдирини адабиёт оламига олиб киради. Адибнинг асарлари асосан табиат муҳофазаси мавзусида яратилган бўлса-да, унинг қаҳрамонлари ички кечинмалари ва орзу-интилишларида халқимизнинг миллий менталитетига хос белгилар бўрттириб кўрсатилади.

Хусусан, Шукур Холмирзаевнинг ҳикояларида мақол ва матал жанридан фойдаланиш маҳоратига эътибор қаратайлик. "Насиб этса" ҳикоясида Элёрнинг Бўритош опасини жуда яхши кўриши, Маданият уйдан қайтиб келиши билан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилиши, сўнг ёнига ўтириб, гап сўраши ҳикоянинг муқаддимасини ёритиб беради:

-Акамни яхши кўрасизми?

-Ҳа.

-Мени-чи?

-Сениям. Сен шундай ақллисан! Катта бўлсанг, албатта, яхши одам бўласан. Мард, кўрқмас... Ҳақиқат учун курашадиган, ҳақиқатчи!

-Майли. Мард, кўрқмас...

-Ҳақиқатчи – ростгўй дегани. Айтишадик, бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир, деб. "Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир" мақолини келтириш орқали Шукур Холмирзаев кичик қаҳрамонини болалигидан тўғри сўзлашга ўргатиш орқали ҳаммамизга маънавий тарбия беради. "Шудринг тушган бедазор" ҳикоясида

АДАБИЁТШУНОСЛИК

қахрамон характерини очиб беришда мақол жанридан фойдаланган.

-Э, Икром бўлмай кет! –деди участкавой тўнғиллаб. – Сувсадингми?

-Ҳа, чиқсам майлими?

-Чиқ. –Қаюм камерага кўз солиб,изига қайтди. – Ерда ётибсан.Сенга кўрпача солиб берган эдим...Э,куриб кет! Сифса ичгинда!...Ўзинг туппа-тузук йигитсан!...Э! Ҳамроҳинг қарға бўлса,еганинг ахлат бўлади. (“Шудринг тушган бедазор” ҳикояси,137-бет).

“Ота юрт” ҳикоясида қахрамон ички туйғусида бир дард, армон борлигини кўрсатиб беради.

“Мансуржоннинг ҳамма иши жойидаю,лекин кўнглида киши билмас дарди бор.Тоғам урушга кетиб,”бедарак йўқолди”, деган хабар келган эди. Бояқиш момом: “Кафан кийган келмайди, керата кийган келади”, деб тоғамнинг йўлига кўз тика-тика дунёдан ўтди. Онам ҳам яқин йилларгача ёлғиз укасининг омон қайтишини кутарди».

Маталдан фойдаланишда ҳам Шукур Холмирзаев усталик билан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин:

-Ё жиян, чакки қиялсан-да, – деди. – Ичкуёв – кучук куёв, дейдилар.Турмушни билмайсан. Ўзингни қафасга солялсан...

-Тоға, у гаплар эскирди,-деди Ақобир. - Менинг учун фарқи йўқ: бу ҳовли нимаю,бошқаси нима.

“Баҳор ўтди” ҳикоясидаги Ақобирнинг тоғасининг мана шу айтган гаплари охири-оқибат рост бўлиб чиқишини ҳикоя хотимасида ўқишимиз мумкин.

-Жим, жим, -деб шивирлади. -Ёмондан ё қочиб қутул, ё тониб қутул, дейдилар, ука.

-Э, боринг-е! -Бу тўғри гап, -таъкидлади гўппон. -У - ёмон, вассалом. Андак ўйнайлик, бас қиламиз... Мениям қорним очди. Мана муниг пиянигини бўлиб ёмоқчидик...»

Ҳикояни ўқир эканмиз, болалар орасидаги ўзаро суҳбатда ҳам моҳирона тарзда мақол жанридан фойдаланганлигини кўрамиз. Демак, бу мақолни айтган бола ҳам кимдандир шу мақолни эшитганлигини ва ўзаро суҳбатда ушбу мақолни қўллаётганлигини кўришимиз мумкин. (“Тўп ўйини” ҳикояси , 40-бет).

«Секин ичкарига қадам босдим. Димоғимга туршак, майиз ҳиди урилди. Ҳа-а, демак, бу мевалардан ҳам бор экан-да. Оз-

мозгина олиб еймиз. Уй эгасига ғойибона раҳмат айтамиз. Хафа бўлмас, ахир,одам қимматми, мевами? Онам бечора нуқул гап орасида: “Одам топилмайди, нарса топилади!” дейдилар. Бечора онагинам! Ҳозир унинг аҳволи қандай экан?...Эҳ, онажон! Гапингизга кўнмадим-да, ўзбошимчалик қилдим! Лекин мен сизларга, ўзимизга яхшилиқ қилмоқчи эдим-ку?! Ҳай, майли. Бўлган иш бўлди энди...».

Етти ёшли боланинг ёлғиз адашиб қолган пайтда онасининг айтган мақоли хотирасига тушишини адиб жуда моҳирона тарзда ҳикоя воқеаларига боғлаган. (“Зов остидаги адашув” ҳикояси,18-бет).

Мақол ва матал эшитмаган одам бўлмаса керак, орамизда. Бу халқ ҳикматлари ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимиздан шунчалик чуқур жой олганки, ўрни келганда ундан тез-тез фойдаланамиз.

Мақоллар турли-туман, ранг-баранг, асосийси, улар улкан-улкан маъно моҳият касб этади. Тил қанчалик ифода ва ибораларга бой бўлса, ёзувчи маҳорати учун шунчалик қулай бўлганлиги учун ҳам жуда қадим тарихга эга бўлган фольклоримиз мавжуд, жаҳон поэзиясининг гултожи бўлган шоирларимиз етишиб чиқди, тилимизнинг тароватини, сеҳрли сир-синоатини оламга таратувчи ёзувчиларимиз ижод қилмоқда. Шукур Холмирзаев ҳар бир ҳикоясида мақол ёки маталнинг ишлатилиши ҳикоя қахрамонларининг ўзларидаги ўзларини топишга, ўз шахсиятларини топишга, ўз шахсиятларидаги етакчи маънавий-ахлоқий сифатларни тайин етишга хизмат қилади. Бадиий адабиётда фойдаланиладиган мақол ва маталлар эътиборга лойиқдир. Ушбу мақол ва маталлар персонажлар тилида қўлланилиб, уларнинг нутқий индивидуаллигини кўрсатишда қўл келади.

Ҳар бир бадиий асар такрорланмас ва тамомила ўзига хос эстетик ҳодиса ҳисобланади. Бадиий асарни ўқиш чоғида асарнинг жанр хусусиятлари турга хос белгиларига нисбатан камроқ аҳамият касб этса-да, унинг бадиий бутунликни тадқиқ этишда салмоқли ўрни борлигини инкор қилиб бўлмайди. Ҳикоя ютуқлари ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида мақол ва матал орқали ўқувчиси билан бевосита мулоқотга киришиш, унга ўз дардини айтиб мурожаат қилишда бу икки жанр муҳим аҳамият касб этади. Мақол ва

матални ўқиб тушунадиган, таъсирланадиган, ўқигани юзасидан фикр юрита оладиган шахс бўлиб тарбияланмоғи керак.

Маълумки, жамиятни инсон тебратади. Уни буюк келажак сари етаклаш ҳам, тубанлик қарига тортиш ҳам одамнинг қўлида. Шу сабаб мақол ва матал жанри ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолотида долзарб аҳамиятга эга.

Адиб ижодида асрлар давомида сайқалланган ибратомуз сўзлар, пурҳикмат ақидаларни ўзида мужассамлаштирган матал ва мақоллар Шукур Холмирзаев ҳикояларида ўринли қўлланилиши ҳам асар

сюжетининг тўлақонлигини таъминлайди. Бу сўзларнинг ҳар бири кенг маънога эга бўлиши билан бирга асар воқелигини ривожлантиришда қаҳрамон қалб дунёси ва характерини очишда, воқеаларни боғлашда, асар сюжетига асос бўлган воқеликнинг давомийлигини таъминлашда, унинг ўқимишли ва халқчил бўлишида катта аҳамият касб этади. Китобхон учун аслида янгилик бўлмаган фольклор элементларининг асарда қўлланилиши адибнинг сўз бойлиги ниҳоятда ранг-баранг ва халқона сўзларни танлашдаги юксак бадиий маҳоратидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Холмирзаев Ш. Сайланма. II жилд. –Т.: Шарқ, 2005.
2. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2011.
3. Холмирзаев Ш. Ўн саккизга кирмаган ким бор. –Т.: Янги аср авлоди 2015.
4. Дониёрова Ш. Истиқлол даври ўзбек романларида: миллий руҳ ва қаҳрамон. –Т.: Мумтоз сўз 2011.
5. Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. –Т.: Турон замин зиё, 2014.
6. Холмирзаев Ш. Кимсасиз ҳовли. –Т.: Ўзбекистон, 2015.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев, филология фанлари доктори).